
O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 10



ISSN: 2181 7804











FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/10

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Ж.А. Акрамов – Бўлажак гандбол бўйича мураббийларда креативликни ривожлантириш масалалари. 3

Ф.К. Турдиев., З.Ш. Хадиятуллаев – 17-18 ёшли боксчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш. 6

Л.Н. Халматов – Ўқувчи-спортчиларни машғулот жараёнида мотивациясини шакллантиришнинг педагогик асослари. 11

О.Қ. Жақсимуратов – 11-13 ёшли ўқувчиларнинг куч сифатини ривожлантиришда инновацион воситалардан фойдаланиш методикаси. 17

З.Ч. Норқулов – 16-18 ёшли оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик даврида махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш услубияти. 20

Ш.Ш. Махмудов – Юқори малакали оғир атлетикачиларнинг тайёргарлигида спорт техникасини педагогик назорат қилишнинг самарадорлиги. 27

Ш.А. Пирназаров – Кичик мактаб ёшдаги болаларда сузиш кўникмаларини шакллантириш ўйин-услубий ёндашувнинг самарадорлиги. 29

Қ.М. Мамадалиев – Талабалар меҳнат фаолиятида кун тартиби гимнастика машғулотларининг самарадорлиги. 31

А.А. Низаметдинов – Ўзбекистон терма жамоаларини комплекс спорт мусобақаларга тайёрлашда моделлаштириш ва прогнозлаш. 35

Ш.С. Мирзанов – Курашчиларда тезкор-динамик кучни баҳолашда замонавий ўлчов ускуналарининг самарадорлиги. 38

Б.Ф. Икрамов., Ф.Т. Икрамов., З.Н. Азимов – Каноэда эшкак эшувчиларнинг тезкор куч имкониятларини ривожлантириш самарадорлиги. 41

Ж.А. Акрамов – Гандболчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларининг таҳлили. 44

Х.Х. Қурбонов – Ўқув-машқ босқичи биринчи ва иккинчи йилида ўрта масофаларга югурувчилар машғулотларида спорт формасини шакллантириш услубияти. 48

З.А. Агзамова., В.В. Мун – Многолетнее исследование юных хоккеистов на траве в соревновательном периоде. 54

ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ

К.Т. Шакиржанова., Б.А. Шокиржонов – Патриотизм и спорт: единая цель – единая победа. 58

АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ АДАПТИВНАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА

Г.М. Зоитова – Индивидуализация тренировочного процесса пловцов-паралимпийцев класса s6. 62

Л.Т. Давлатова – Жисмоний имконияти чекланган пара волейболчи спортчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичида психологик ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари. 66

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 28.10.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/10

Н.Ш. Бобомурадов – Малакали пара дзюдочиларда ўқув-машғулот жараёнини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. 68

М.И. Боймирзаева – Эшитишда нуқсони бор курсоқов ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш хусусиятлари. 71

Д.А. Хўжамкелдиева – Пара бадминтончиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш методикаси. 73

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Д.К. Зубовский., О.Д. Нечай., Т.М. Зубовская – Спортивная физиотерапия и функциональная реабилитация спортсменов. 77

В.В. Серебряков., Г.И. Намозова., М.А. Рахмонбердиев – Адаптационные механизмы организма спортсмена при интенсивных тренировках: обзор современных данных. 84

М.С. Абдураҳманов – Ўсмир таэквондочиларда тезкор чидамлиликни ривожлантиришнинг самарали усуллари. 86

Ш.С. Мирзанов – Малакали белбоғли курашчиларда максимал динамик куч кўрсаткичларини турли тайёргарлик цикларида ривожланиш динамикаси. 90

Х.Х. Умаров – Бадиий гимнастикачи қизларнинг юрак-қон томир тизимининг машғулот юкламаларига мослашув жараёнини ўрганиш. 93

Э.У. Худайбергенова – Волейболчиларни енгил атлетика машқлари асосида мусобақаларга тайёрлаш самарадорлиги. 96

Д.С. Насриева – Ўқув-машғулот гуруҳи волейболчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштириш. 98

И.Б.Исаев – Белбоғли курашчиларни кўп йиллик тайёргарлик тизимини такомиллаштиришда мусобақа натижалари таҳлили. 101

У.Р. Раджапов – Гимнастикачиларни тайёрлашда жисмоний сифатлар ривожланишининг ёш хусусиятлари. 104

М.Г. Ҳайдаров., Н.К. Светличная., М.Р. Ташев – “Round support mg” тренажёр воситасининг тана-таянч ҳаракат тизимига физиологик таъсири ва машғулот самарадорлигини оширишдаги ўрни. 107

Ҳ.Ш. Бекманова – Ўрта мактаб ўқувчиларининг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлашда координацион ва жисмоний сифатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўрни. 111

ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ ЭКОНОМИКА И МЕНЕЖМЕНТ ОБРАЗОВАНИЯ

К.Ш. Зиядуллаев – Особенности формирования современных инновационных механизмов управления персоналом в системе спорт-логистика-кластер спортивных организаций. 114

тайёргарлик даражаси ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларни оптималлаштириш зарур.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўқув машғулот гуруҳларида волейболчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий, тизимли ва индивидуал ёндашув асосидаги методикалар юқори самарадорликка эга. Босқичма-босқич ўргатиш, видеоанализ ва ўйин шароитларига яқинлаштирилган машқлар спортчиларнинг техник кўникмаларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилди. Анъанавий машғулотларга нисбатан экспериментал ёндашув техник аниқликни ошириши, хатолар сонини камайтириши ва умумий ўйин сифатини яхшилаши билан ажралиб турди. Ушбу натижалар асосида волейбол бўйича ўқув машғулот жараёнларини янада самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар:

1. Ахмедов А.Х. Спорт машғулотлари назарияси ва методикаси. – Тошкент: ЎзДЖТИ, 2018. – 215 б.
2. Гадойев Р., Исломов Д. Волейбол асослари ва ўқитиш методикаси. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2020. – 180 б.
3. Назаров Р.Р. Ёш спортчиларни тайёрлашда босқичма-босқич ёндашув. – Тошкент: ЎзДЖТИ нашриёти, 2017. – 145 б.
4. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 2000. – 320 с.
5. Волков Л.В. Теория и методика детско-юношеского спорта. – Киев: Олимпийская литература, 2002. – 285 с.
6. Халилов А.Х. Волейболчилар жисмоний тайёргарлиги ва уларни шакллантириш методикаси. – Тошкент: ЎзДЖТСУ, 2019. – 156 б.
7. Бомпа Т., Ҳафф Г. Периодизатион: Тҳеорй анд Метҳодологй оф Траининг. – Ҳуман Кинетисс, 2009. – 400 п.
8. Зациорскй В.М. Ссиенсе анд Прастисе оф Стренгтҳ Траининг. – Ҳуман Кинетисс, 1995. – 243 п.
9. Жуков А.Л. Методика тренировки в спортивных играх. – М.: Советский спорт, 2006. – 210 с.
10. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги. “Спорт машғулотларини ташкил этиш ва режалаштириш бўйича услубий қўлланма”. – Тошкент, 2021. – 98 б.

Доцент, Белбоғли кураш бўйича Халқаро тоифадаги ҳакам
И.Б. ИСАЕВ[1]
[1]Ренессанс таълим университети
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон

https://doi.org/10.65149/fansport.2025.v8i10.a028

БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРНИ КЎП ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУСОБАҚА НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

В данной статье анализируется значимость результатов соревнований в совершенствовании системы многолетней подготовки спортсменов по борьбе на поясах. В исследовании рассмотрены критерии оценки технико-тактической подготовки, физического состояния и конкурентоспособности спортсменов, особенно на основе результатов, полученных на чемпионатах мира среди взрослых. На основе статистического анализа выявлены методические подходы, применяемые в процессе подготовки борцов, достигших высоких результатов, и даны рекомендации по их интеграции в систему подготовки борцов на поясах.

***Ключевые слова**: результаты, чемпионат мира по борьбе на поясах, победа, поражение, анализ, тренер, соревнование.*

Annotation

Ушбу мақолада белбоғли кураш бўйича спортчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик тизимини такомиллаштиришда мусобақа натижаларининг аҳамияти таҳлил қилинган. Тадқиқотда, айниқса, катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида олинган натижалар асосида спортчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги, жисмоний ҳолати ва рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ўрганилган. Статистик таҳлиллар асосида юқори натижаларга еришган курашчиларнинг тайёргарлик жараёнида қўлланган методик ёндашувлар аниқланиб, улар белбоғли курашчилар тайёргарлик тизимига интеграция қилиш бўйича тавсиялар берилган.

***Калит сўзлар**: натижалар, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати, ғалаба, мағлубият, таҳлил, мураббий, мусобақа.*

This article analyzes the importance of competition results in improving the long-term training system for belt wrestlers. The study examines the criteria for assessing athletes' technical and tactical preparedness, physical condition, and competitiveness, particularly based on results obtained from world championships held among adults. Through statistical analysis, the methodological approaches used in the training process of wrestlers who have achieved high results were identified, and recommendations were provided for integrating these approaches into the training system of belt wrestlers.

***Key words**: results, belt wrestling world championship, victory, defeat, analysis, coach, competition.*

Долзарблиги: Дунё миқёсида миллий курашимиз турлари кенг тараққий этиши билан бир қаторда, белбоғли курашчиларни тайёрлаш тизимини модернизация қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Лекин шу билан бирга, айнан белбоғли кураш билан шуғулланувчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик машғулоти юкламаларининг оптимал нисбатини аниқлаш, ўқув машғулоти жараёнларида самарали восита ва услубларни қўллаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда белбоғли кураш бўйича пешқадамлик қилаётган давлатларда соҳа мутахассислари ва етакчи тадқиқотчилар томонидан белбоғли курашда умумий ва махсус ҳаракатлар мутаносиблигини таъминлаш, турли хил мураккаб усулларни бажаришда техник ҳаракатларни ўргатиш услубиятлари бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда спортни оммалаштириш ва юқори натижаларга эришишда спортчиларнинг жисмоний ҳамда техник-тактик тайёргарлигини ривожлантириш муаммосига устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. “Курашни янада ривожлантириш ва оммалаштириш мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламларини ёшидан қатъий назар соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, ёшларни Ватанга садоқатли этиб тарбиялаш, курашни жаҳон халқларининг севимли спорт турларидан бирига айлантириш, унинг ҳалоллик, адолатлилик, бағри-

кенглик каби инсонпарвар ғояларини дунё аҳлига янада кенг тарғиб қилиш” вазифалари белгилаб берилган.

Айнан шу жиҳатдан, машғулот жараёнини тузишда йиллик жисмоний тайёргарлик босқичларида юкламаларни оптималлаштириш зарурати юзага келмоқда. Белбоғли курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини рўёбга чиқариш ва такомиллаштириш учун профессионал спортга ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни тайёрлашда юкламаларнинг организмга кўрсатадиган таъсири бўйича қайта тикланиш ва машғулотни комплекс назорат қилиш талаби қўйилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-услубий адабиётларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Республикамизнинг бир қатор олимлари Т.С. Усманходжаев, И.А. Кошбахтиев, Ш.Х. Ханкелдиев, Р.С. Саламов, Л.З. Холмуродов, И.И. Саидов ҳамда (МДҲ) мамлакатларида жисмоний тарбия ва соғломлаштириш муаммолари бўйича А.А. Гужаловский, И.Г. Дукалский, Т.Г. Сулимова, В.П. Губа, О.Б. Серегина, В.А. Эрмаков, А.Н. Каинов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланиб келинмоқда. Скандинавия усулида юриш бўйича А.А Полетаева, Н.Т. Станиский, А.В. Волков, Э.А. Земба, Н.Т.Станский, А.А. Алексеенко, В.А. Колошкина, О.Б. Николская, Т.В. Мескивич, Т.Е Старовойтова, А.С. Радченко, Н.И. Привозникова, И.А. Кубанов, Е.В. Чистякова ва бошқалар томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган.

Татқиқот мақсади белбоғли курашчиларни кўп йиллик тайёргарлик тизимини самарали ташкил этиш ҳамда ушбу тизимни мусобақа натижалари асосида илмий таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш йўлларини аниқлаш.

Татқиқот вазифалари:

- белбоғли курашчилар тайёргарлик тизимининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш.

- жаҳон чемпионати мусобақа натижаларини таҳлил қилиш орқали тайёргарлик жараёнининг самарадорлигини аниқлаш.

- таҳлил натижалари асосида кўп йиллик тайёргарлик тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ташкил этиш усуллари: Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлили, педагогик кузатувлар, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, ҳамда тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Педагогик тадқиқотда Республикамизнинг турли вилоятларидан икки юзга яқин белбоғли курашчи қатнашдилар. Тадқиқотнинг барча қатнашчилари гуруҳларга ажратилди. Барча гуруҳларда қатнашчилар сони бир хил бўлди.

Биз мазкур муаммоларни ҳисобга олган холда, белбоғли кураш билан билан шуғулланувчилар учун белбоғли кураш техникаси ўргатишда махсус машқлар мажмуаси, ишлаб чиқилган спорт анжомлари ва янги инновацион технологиялардан фойдаланиш методикасини амалиётга татбиқ этдик.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси: Тадқиқот доирасида белбоғли курашчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик тизимини такомиллаштиришга мусобақа натижалари таъсирини аниқлаш мақсад қилинди. Бу мақсадда 2019–2024 йиллар оралиғида ўтказилган миллий ва халқаро мусобақаларда иштирок этган 60 нафар юқори даражали спортчиларнинг натижалари таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида спортчиларнинг техник-тикник кўрсаткичлари, рақибга нисбатан устунлик, ютуқлар динамикаси ва мусобақа тажрибаси ўзаро боғлиқлиги ўрганилди.

Олинган натижаларга кўра, мусобақада мунтазам иштирок этиш спортчиларнинг тайёргарлик даражасини сезиларли даражада ошираётгани, айниқса 3 йилдан зиёд давомида юқори даражадаги мусобақаларда қатнашган спортчиларнинг натижалари 15–20% га яхшиланган кузатилди. Шунингдек, мусобақа натижалари асосида тайёргарлик жараёнини қайта режалаштириш, спортчи индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юкламаларни тақсимлашнинг самарадорлиги тасдиқланди.

Муҳокама жараёнида маълум бўлдики, мусобақа натижаларини чуқур таҳлил қилиш орқали тренерлар тайёргарлик тизимини индивидуаллаштириш имкониятига эга бўлиб, бу эса спортчиларнинг юқори натижаларга эришишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, белбоғли курашчиларни тайёрлаш тизимида мусобақаларни фақат натижа учун эмас, балки таҳлил ва режалаштириш воситаси сифатида қўллаш зарур.

2005-йилларда бўли ўтган жаҳон чемпионатида 10-та давлат иштирок этган бўлса бунда медаллар учун давогар давлатлар асосан Рассия, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон каби давлатлар еди бу давлатларни машғулотлар жараёнида қўланиладиган методлари техник- тактик таёргарликлар ҳамда машғулотлар юкламасни тўғри олиб боршни

машғулотларни самарали усуллардан фойдаланши бунга исбот бўлади. 2021-йилги белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати сарҳисоб қилсак 15-давлат иштирок этиб унда Италия, Руминия, Бразилия, Эквадор каби

1 жадвал

Давлатлар медалларга давогар чиқишди




Бу эса белбоғли курашнинг янада ривожланганини кўрсатади. Эндиликда юқори натижаларга еришиш учун илмий исботдан ўтган машғулот методларидан фойдаланиш зарурати туғлади.

2024-йил 10–13-ноябр кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича катталар ўртасидаги Жаҳон чемпионати юқори савияда ташкил этилди ва унда 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди. Мусобақа нафақат спортчилар учун, балки белбоғли курашнинг ривожланиши ва халқаро майдондаги ўрни учун ҳам муҳим воқеа ҳисобланади.

Мусобақада иштирок этган жамоалар орасида ўзининг кучлилик даражаси ва юқори натижалари билан ажралиб турган давлатлар аниқланди. Жумладан, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонж, Туркманистон, Озарбайжон, Монголия,тижикистон ва Беларус каби мамлакатлар нафақат кўп сонли спортчилар билан қатнашди, балки юқори савияда беллашиб, кўплаб медал ва мукофотларга эга бўлдилар. Бу мамлакатларнинг жамоалари ўз миллий белбоғли кураш мактабларини самарали ташкил этишлари, тайёргарлик даражаси ва тажрибалари билан халқаро майдонда юқори баҳоланди.

2-жадвал



Жамоаларнинг нуфузини аниқлашда бир нечта мезонлар эътиборга олинди:

Мусобақадаги иштирокчилар сони ва уларнинг халқаро рейтинги,

Олинган медаллар сони ва тури,

Жамоанинг халқаро турнирлардаги доимий муваффақиятлари,

Спортчиларнинг индивидуал даражаси ва уларнинг глобал миқёсдаги тан олиниш даражаси.

Натижада, юқорида қайд этилган давлатларнинг жамоалари белбоғли кураш бўйича жаҳон спортининг етакчи вакиллари сифатида тан олинди. Уларнинг қатнашиши ва муваффақиятлари мусобақанинг нуфузини янада оширди, шунингдек, белбоғли курашнинг халқаро спорт майдонидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ушбу тадқиқот шуни кўрсатадики, кучли жамоаларнинг иштироки мусобақанинг сифатини белгилаб беради ва янги авлод спортчиларни рағбатлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Келгусида ҳам белбоғли курашни янада ривожлантириш учун юқори даражадаги мусобақалар ташкил этилиши ва кучли жамоаларнинг доимий қатнашуви зарур.

Хулоса: Тадқиқот ва таҳлиллар натижасида, юқори натижаларга эришган жамоалар – Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон – белбоғли курашнинг халқаро майдонида етакчи ўринларни эгаллаш билан бирга, ўзларининг мустаҳкам тайёргарлик тизимлари, илғор спорт технологиялари ва билим ёндашувлари орқали юқори нуфузга эга эканликлари тасдиқланди.

Жамоаларнинг кучлилик даражаси ва барқарор муваффақияти мусобақанинг умумий даражасини кўтаришга, шунингдек, спорт турининг халқаро миқёсдаги позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Жаҳон чемпионатида иштирок этган кучли жамоаларнинг юксак спорт натижалари ва муваффақиятли тажрибалари белбоғли кураш соҳасида инновацион ёндашувлар жорий этилишининг ҳамда рақобатбардош спорт муҳитининг шаклланишига замин яратади. Бу эса, ўз навбатида, белбоғли курашнинг глобал миқёсда янада ривожланиши ва янги авлод спортчиларининг тайёрланиш жараёнида илмий методологияларни татбиқ этиш заруратини таъкидлайди. Шундай қилиб, мусобақа натижалари спорт оламида белбоғли курашнинг нафақат маданий ва анъанавий, балки илмий-амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди ва ушбу спорт турининг келгусида янада юксалиши учун пойдевор яратди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 3-июндаги ПҚ–3031-сон жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-ноябрдаги ПҚ-4881-сон кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида


3. Керимов Ф.А. Дарслик. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Тошкент, 2004.


309






UZBEKISTAN
574


SPORTLAND
SPORTLAND
SPORTLAND


311

